

Жадид

Tilda, fikrda, ishda birlik!

2024-yil 21-iyun
№ 26(26)
www.jadid-media.uz

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

МЕХР РИШТАЛАРИ

“Мен ватанимни, халқимни севаман!”

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ходимлари билан биргаликда пойтахти миздаги ногиронлиги бўлган болалар учун мўлжалланган 1-сонли “Муруват” интернат уйида бўлганимизда хайр-саҳоват, шафқат ва меҳр-оқибат каби тушунчалар миллатимизда қадрият даражасида шаклланиб, қон-қонимизга сингиб кетганига гувоҳ бўлдик.

Фоят муҳташам, ён-атрофи обод ва кўркам масканга кириб борганимизда кун пешиндан оқкан, лекин ҳали саратон иссигининг тафти қайтмаган эди. Интернат уйи ҳовлиси кенг-мўл, баҳаво, йўллар, иўлаклар асфальтланган, равон.

Барг-яроқлари топ-тоза, баланд, ораста, меҳр билан парваришланган дараҳтлар куюқ соя солиб, ёз тафтни пасайтиради. Ён-атроф дил яшнайдиган даражада юксак дид ҳамда замонавий дизайн ва шаҳарозозликнинг муайян талаб ва мезонлари асосида ободонлаштирилган. Ҳудудда бор қарич ер йўқки, кўкаламзорлаштирилмаган бўлса. Бетакор чиройи ва ҳароратли ранглари билан ҳовлига кўрк ва файз багишлаб учиб-ўғсан турфа гул, майса ва манзарали буталарни кўриб кўз кувнайди.

Ушбу муассасанинг ўз тарихи бор. У 1979 йилда фаолият бошлаган бўлса-да, кейинги йилларда мамлакатимиздаги кенг кўллами янгилаши ва ўзгаришлар, жумладан, ижтимоий ҳимоя соҳасида олиб борилгаётган ислоҳотлар натижасида тубдан янгина қўёға касб эти. Кўшимча бинолар қурилиб, эскилари таъмирланди. Эзги спорт зали, ногиронларни парваришлаш ва даволаш бўлимлари, муолажа ва машғулот хоналари, фаоллар зарли, кутубхона,

ётоқхона ва ошхона бутунлай янгилаши. Ихтиослашган бўлимлар, маҳсус хоналар талаб даражасида жиҳозланди. Ҳар хил сабаблар туфайли ҳаракатланиши чекланган болалар маҳсус аравачалар билан таъминланди. Бугунги кунда мазкур меҳр-оқибат масканни уч юз нафардан ортиқ болалар ва ўсмирларни ўз бағрига олган. Айни пайтда уларнинг ҳар бирда давлатимиз раҳбарининг мэҳри, эътибири ва гамхўрлигини ўз ҳаётида хис этмоқда.

Шу йилнинг март ойида давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг муассасанинг янги ҳаёти бошлангани рост. Президентимиз тарбиячилар ва ўқувчи болалар билан мулоқот чоғида мамлакатимизда давлат ва жамият ногиронлиги бор ҳар бир болага ҳаётда ўз ўрнини топишга қўмаклашишини, бундай болалар индивидуал ривожланниш дастурлари асосида жамиятга интеграция қилиншишини, ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслигини алоҳида таъкидлади.

Ҳа, бу масканда бугун ўзгача руҳ

хўкимрон. Тарбиячилар ва ўқувчининг ўзаро муносабатларини кузатарканси, улар реал ҳаёт ва жамиятидан узилиб қолмаганига гувоҳ бўласиз. Шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг бундай муассасаларга алоҳида эътибор қаратишидан мақсад ҳам шу тоифадаги болаларнинг ёлгизланини колишига йўл қўймасликдан иборат.

Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг машҳур байти ёдга тушади:

Кимки бир кўнгли бузугнинг
хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса,
обод айлагай.

Бугун Янги Ўзбекистонда олиб борилгаётган инсонпарвар ва адопатли сиёсат, чукур ислоҳотлар қанчадан-қанча “бузуг ва вайрон кўнгилларни обод этиб”, уларни ҳаётдан рози қилишга қаратиганни учун ҳам халқимиз мамлакатнинг тараққиёт йўлини кўллаб-кувватламоқда.

“Муруват” уйидаги ҳар бир ўқувчи

нимагадир қизиқади. Бу ерда изчилийдаги қўйилган таълим-тарбия ана шу қизиқиши ва лаёқатни рўёбга чиқаришга йўналтирилган. Бу болаларнинг орасида кўзлари чақнаб, қалби жўшиб, чехраси тақдирдан мамнунликни, тириклидан шуқроналини ифода этиган бир йигитча бор. Уни Ҳасан Асрарев дейдилар. У адабиётта, шеъриятга жон-дили билан қизиқади. Президентимиз ушбу меҳр-муруват даргоҳига ташрифи чоғида Ҳасан билан ҳам мулоқотда бўлган, унинг қатъияти, кучли иродаси, орзу-интилиши ва мақсадини кўллаб-кувватлаш, истеъодини рўёбга чиқариши бўйича мутасаддиларга муҳум толпириклар берган эди.

Үтган даврда ҳаваскор шоир Ҳасан Асраревнинг шеърлари устоз шиорлар томонидан дикқат билан кўздан кечирилди, таҳлил килинди ва сараланди. Ёш истеъоддод эгасига зарур маслаҳатлар, тавсиялар берилди, шеър ёзиш, сўз билан ишлаш борасида йўл-йўриклар кўрсатилди.

(Давоми 2-саҳифада). >

27 ИЮН - МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



“ТАРАҚҚИЙ” ДАН “JADID” ГАЧА

Ўзбек матбуоти тарихи жадидлик ҳаракати ва жадид зиёлилари номи билан табии равишда боғланади. Жадидлик анча чуқур, мураккаб, зиддиятли, айни дамда янгиликларга, эзгу орzu-ниятларга, амалий фаолиятларга тўла бир ижтимоий-сиёсий, адабий-маърифий ҳаракатдир. Жадид зиёлилари учун эски усуздаги мактабларни ислоҳ этиш, бадиий адабиётни янги ўзангана солиш, театр саҳасини ибратхонага айлантириш нақадар муҳим бўлса, миллий матбуот ташкили ва тараққиysi ҳам шу даражада аҳамиятли эди.

Жадидлар замонида матбуотдаги ҳақ сўзининг кундалик ҳаётга, одамларга, жамиятга таъсири кучли бўлди. Вақтли матбуот одамларнинг ижтимоий ҳаётига фаол аралашмоги ва дунёдан боҳабар бўлмоғи учун заруратга айланди. Дастрраб газеталар ойда бир бора базор қилинди; аста-сескин ҳафталари ва кунлик нашрлар шиддат билан одамлар орасига кириб борди; саҳифаларида мақола ва мълумотлар маънавий эҳтиёж тусини опди.

Дарҳакиат, жадидлар миллат маънавиятини ислоҳ этиш, одамларни маърифатли қилиш, оламга очиқ назар билан боқиша ўргатиш ва мудрок тафқурни ўйтошишинг энг асосий омилси сифатида матбуотнинг қадрини баланд кўтариди. Матбуот улар наздида фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожи йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг кўёши, ҳар кимнинг вижидонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим эди. “Улфат” кўнгиллар бирлигидан сўз очиши, “садо”лар маърифат ва маънавият, одобиёт ва адабиётнинг овози бўлшиши керак эди. Газета ва журналлар номи шу эзгу ниyalарга мослаб танланди.

Туркistonlik зиёлилар ўзлари газета чиқарунга қадар бир муддат Қrimga – Bogchalariga kўz tikişdi. Ismoilbek Faspraliining “Tilda, fikrda, ishda birlik” деган ғояларига ҳавасланиб қарашdi.

(Давоми 5-саҳифада). >

ШУ СОНДА:

Мақомда улуғворлик мужассам

(6-саҳифада ўқинг). >

“Киз
чиқарганга
қирқ йил
тегма”
ёхуд топгани
тўйига буорган
одамлар...




Дабдаба ва даҳмаза



ОЙДИНЛАР

“Тоза маърифат суви”

...Наим Каримов ўзбек адабиётшунослигига узоқ самарали йўлни босиб ўтди. У жадид ва шўро адабиётшунослигини ич-ичидан ёритадиган материаллар, мълумотлар, ранг-баранг фактларни худди доно хазинабон каби йиллар давомида синчилаб, авайлаб, ардоқлаб йигиб борди. Йиллар ўтиб у чин комусчи олимга айланди...



(4-саҳифада ўқинг). >

АДАБИЙ ДЎСТЛИК

“Турк улуси худ менингдур”

Турк навоийшунослиги узоқ тарихга эга. Аммо адабиётшунослиги тарбияни таъсисида ташкил этилган Алишер Навоийнномидаги тадқиқот ва таргигбот маркази дунё навоийшунослигига янги бир саҳифа очиши шубҳасиз.



Навоийшуноспик истиқболида марказнинг ўрни ва олимнинг орифона таҳжиллари аҳамиятлидир. Абдураҳмон Гўзал тадқиқотлари ва унинг саъъ-харакатлари натижасида Туркия Республикаси Башкент университети ҳузурида 2022 йил 10 февралда ташкил этилган Алишер Навоийнномидаги тадқиқот ва таргигбот маркази дунё навоийшунослигига янги бир саҳифа очиши шубҳасиз.

Алишер Навоий асрарларни кенг тарғиб қилиш, шоирнинг шарафли ҳаёти ва туркий тилни санъат даражасига кўтаришда гапоҳиятини чуқур ўрганиш ушбу марказнинг бош мақсадларидан саналади. Абдураҳмон Гўзал туркий халқларнинг улкан ижтимоий-маданий тараққиёт босқичига қадам кўйишида улуг аждодимизнинг бекиёс хизматларига багишлиланган қатор тадқиқотлари амалга ошириди. Навоийнинг ўзбек тилшунослигини ривожлантириш ва она тилимизнинг ўзига хос сеҳру жозибасини шеърият орқали кўрсатиб беришдаги улкан хизматлари дунё миёсида эътироф этилган.

Абдураҳмон Гўзал эса туркий тилнинг тарихига илдизлари синчовлик билан ўрганиб, қўйидагича назарий хуносалар чиқаради: “Маълумки, Маҳмуд Кошгари XII аср охирида “Девони луготит-турк” асарини ёзиб, турк тили ва маданиятигининг келажигини таъминлади. Алишер Навоий эса Кошгаридан 400 йил кейин ота тили ва маърифатини худди ана шундай тафаккур ва эътиқод билан муносаб ҳимоя қилди.

(Давоми 2-саҳифада). >

ХИКОЯ

У айқирган асос тұлқынларни яхши күрарди. Гарчи шундай бұлса да, ертага барыбер деңгизни күзи қийиб, Ҳолланд қортины ташлап кетді...

Схипхол аэропортыда уни Берлинге күзатиб күйдим.

Құлым сұлтаб, бошин олип кетді у.

Орадан піча вакт ўтиб, ундан қисқагана ёзилган бір мактуб олдым. Хатда Кейт Кайзер юртига омон-эсон етиб борғани түгрисіде ёзғанды.

Иккі ой ўтиб, ундан тағин бир хат олдым. Унинг бу құвончли хабари мени сергек тортыриди.

Еңік ҳәтіні ҳар нарасадан устун күйіб, изат-нағын авайлаб парварыш эттегі Кейт шу күнларда Мюнхенде умргузаронлик қыларкан, юрак қасрини бузиб, бир күй басталғаны ҳақида ёниб ёзғанды. Мактуба илова шаклида куни кече басталған "Буюк ёлғизлик" номлы мусықиғи фусунни қүшіб жұнаштаркан, менинг Мюнхенде етиб келишми хам сүраб қолғанды...

Мен эса инсон тафаккури ҳамда қалбінің илохий құдратига таҳсинашында үкіб, у яратған мусықиғи фусун ичіда саросар кезінаман.

Көлінген мен Сизға бир ҳикояни сұзлаб берай. Шунда, менда не ҳоллар ке-чектегіниниң аңгларсыз, балки.

Бу вайронкор шамол баша бало бўлди. Ундан куч олган булутлар беко кезінаверіб, вахм қўзгай бошлади. Деңгизчи-баҳрийларнинг айтишича, шамол дувол чакұрмокда эди. Бандаргоҳдаги йўловчиларни вахм босиб, шамолнинг шашти пасайшиши кутишдан бошқа чора тополмай, мум тишлиб қолиши.

Бизнинг гузар Бандаргоҳнинг бикинида жойлашган. Мен уйға қайтаётгандым. Қарасам, шундоқ рӯпарамда Кейт күрінди. У оқиши-гұнашаға ранғы чакмон кийиб олган қызметкерлердің етаклаб келәттанды. Гулғұнка қыз эса кўпидаги қопчиғини қисиб-қимтиб Кейтга пилдираб әрәгада. Ҳойнахой, қызметкерлердің көзине қызыл қызыларни бўлса керак, чунки Кейт фарзандсиз еди-да.

— Вой, сениссан? — Кейтнинг қуоқ қошлар өйдек эгалиб, бирдан манглай томон кўтарилид.

— Менман, — дедім.

— Кўпдан кўринмайсан?

— Ха, энди юрибман-да. Ўзинг саломаттисан?

— Тузукман, тузукман.

— Ха...

— Ертага Дўйчланда шайланиб турибман.

Бирдан кўнглим ғаш тортиб сурдим:

— Дўйчланда? Нега?!

Кейтнинг қози тундлашди.

Бир нима дегиси бор, лекин менға қандай англатишни билмастир.

— Нима бўлди, гапирсанг-чи? — Хавотирим ошиб сурдим.

— Онам оғриб қолган, бормасам бўлмайди.

Унинг 87 яшар онаси Мюнхенда яшайды. Кейтнинг касби бастикор, милл олмон, у Хирад исмли ҳолланда зобитига турмушга чиққанды.

— Ха, ха, умр берсин, умр берсин! Ўзи шундай экан, қариялар оғриб туршишар-



Расмни сұнъий интеллект чизған.

кан, — дейман унга далда бўлиб. Ахир ўзимнинг ҳам 90 ўшдан ошган онам Ўзбекистонда қолган. Муштипаримнинг тез-тез оғриб туршиши күз олдимга келтирикканман, бирдан хүшим учиб, ақим шошади. "Ишқилиб манглаймизга оналаримиз омон бўлсингилар!"

У бирдан лов этиб ёниб кетди-ю, иккى ёноги қип-қизил алвон тусини олди. Кейт оиласда ёлғиз фарзанд, отаси иккى ийл бурун қазо қолғанды. Уч ойда бир Мюнхенде онасини кўргани бориб турда. Кейнинг пайтлар иншага ҳаётті гуссалы кечди, мана, иккى йилдирки, хўжайни ошқозон саратони хасталиги билан олишиб келади. Унинг забун ҳолини кўриб, кўнглим бузилди. Лекин буни ўзига сира бўлди. Момо дуои жонимни қилиб, кайнон буг кўтарилиб турган қатламани кўлимага тутди. Мен олмадим. Шу денг, бирор кўлима егулик тутса, еб кетавермайман. Ундан ташшари момога раҳмим келарди. Шўрлик қаро ҳоли билан сурпа очиб, хамир кориган. Тахта-ўқлоқда, билмам, қанча уриниб зувалаларни ёйған. Ўчқа қозон осиб, ўт қалаган, сўнг қатламани пиширган. Шу ҳол кўз олдимдан сира кетмай қолди. Чолининг вафотидан сўнг иккى қизини ҳам турмушга чиқарганды. Қизлари онасининг ҳолидан тез-тез хабар олиб туршиша-да, барибир, барча рўзгор иши момонинг зиммасида эди. Қартайтан жуссаси худи ердан чаллак егандай, бирдан кўзимга айбаки

ва жуда муштипар кўриниб кетди. Мен Имқол момомни яхши кўрардим, ҳамда жуда-жуда...

Ундан сира кўнгил узомасдим. Кейиннап мен четда яшарканман, аллақачонлар оламдан ўтиб кетган шу мастро аёлни сира уннутмадим. Унотолмадим. Хуллас, қатламани олмай жўнаётсам, оғим, тагида хазонлар шитири кўлиомига этиб келди. Қарасам, дараҳтлар бирйўла бағрини тўккан, ер ҳазонга фарқ эди. Чопқиллаб сумкамни уйга кўйиб, апил-тапил овқатланиб олдим-да, қайтиб момонинг уйига чиқдим. Ҳазонларни бир пасда супуриб, каноп ҳалталарага жойлаб кўйдим. Очиқ айвонда турган гомвига сув тутдим. Ошхонага мўраласам, момо амлисқонд қолган чирокнинг пилигини пул-пуллаб тозалаётган экан. Шундан сўнг кўш пирмиз пиликларини ҳам янгила бўйди. Бир пайт момо уйига кириб, бир открытика олиб чиққач, менга қараб, "...Ай, Шахло қизим, мани саводим йўқ, шуни санга бера қолай, балам. Бу — манин санга ҳадям бўлсин! Охир, сани ҳикоя ёзди, деб эшитгандан. Бунга бир нималар ёзгина", деб открытика менинг кўлимага тутди. Қувончим ичимга симай, открытика кўксимга босганча ҳовлишиб, уйимизга кирдим. Ахир

Имқол момом менга эвазсиз, бироқ хадисиз кувонч ҳада қилғанды-да!

Открыткада тўл-тўп бўлиб, энди очилаётган кўм-кўк гул ғунчаларга оч мовий ранғли капалак кўниб тургани тасвирланғанди. Қўзёш имтотраб чиқди, нафасим бирдан бўғзимга тиқилиб колса бўладими, негалигини билмайман, ютиниб, хўнграб йиглаб юбордим. Мен Имқол момомни яхши кўрардим. Ундан сира кўнгил узомасдим. Момо ҳам менга бўлакча меҳр қўйғанди. Митти жуссам, нур каби тенги йўқ баҳт-саодатга кўмиллиб туравердим, туравердим...

Бир пайт қайроқ тош ётқизилган йўлакда бир нима йилтиллаб бошлади... Тикилиб қарасам, биллур шудринг титранёттан экан. Ва бу титроқ шабнам Имқол момо ҳам менга ҳада этган открыткадаги манзарага жуда ўхшаб кетарди...

Тақдир тақозоси билан Нидерландияда яшай бошладик. Мана, Имқол момом менга ҳада этган ўша открытка ҳозир ҳам хотира дафтари минг катида турипти.

Шанба куни уйимизга Кейт келди. У тўл-тўп бўлиб, энди очилаётган кўм-кўк гул ғунча-ю, митти капалакли кўк кўйлак кийиб олганди. Қўзим бирдан ёниб кетди. Унинг кўйлагидаги тўл-тўп гуллар ва кўк ранғли капалаклар Имқол момом менга ҳада этган открыткадаги манзарага жуда ўхшаб кетарди...

Мен унинг ғамғин чехрасига бўқдим. У жудам қўхик, бироқ ғусса комига ботиб қолганга ўхшади. Қўзлари чўкиб кетиди. Чехраси жуда сўлғин. Бу ҳол менда бир кечинма қўзгади. Вайронкор кечинма...

Ҳа, бир бошқача ҳолат эди бу. Ҳамда жуда-жуда бўлакча эди...

У чой бурун унинг онаси вафот этганди. Кейт тинмай онаси ҳақида ёниб гапирди. У уйига кетағ, мен ҳам анчагача ўзимга келопади, қийалиб юрдим. Кўп утмай, эй воҳ, у эридан ажралди. Ат-тант, унинг рафиқи ошқозон саратонига даво тополмай, бевақт оламдан ўтди. Кейт сўлпайтаб қолди. Уни Хираддининг кариндошлари сира қишиқтирмади, чунки орада мулк масаласи ҳам бор эди-да. У ҳеч вако талашмади, Хираддан қолган мулкни қолдириб, ўз юртга бўшин олиб, Вақтнинг шамолида тўзгиг кетди.

...Одамлар, улар бунча гавжумлар! Ва айни пайтда улар жуда ёлғизлар! Ва айни пайтда, улар жуда ёлғизлар! Барчаси руҳан ёлғизлар!

Мусиқада ўша БЮОК ЁЛҒИЗЛИК майданында қолғанды. Кўй охиста-аста ҳамда қиқаста тарафа бошлади... Ва, тағин, мен буни айтмасам бўлмайди, чунки, бу жонимни ёмон ўтрайди.

...Одамлар гавжумлар! Ва айни пайтда улар жуда ёлғизлар! Рухан ёлғизларнинг бу майданында қолғанди. Кейт Кайзер кўй ичра сунғы дарожотта кўтариб, авж пардаларида намойиш кила билганди. У бунинг удасидан чиқканди.

Мен хаста кимсадай йўлакда судрагиб қолдим.

Қарғалар қагиллаб дув кўтарилилар.

Ва мен ўзимни ўнглаб олдим.

Гарбдан ҳаёт шарпаси — оқчорлоқлар кайнар-тошиб, теламдан учиб ўтётгандаги маҳал, куй янада авж пардаларида юқсакларга кўтарила-кўтарила, самони қучиб кетди.

Амстердамдан ўйга поездда қайтадим. Чекувчилар учун мўлжал-



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА: Шаҳодат УЛУФ — 1970 йили Навоий вилоятининг Нурутда туғилган. У "Афтондил", "Суючи", "Шамс, Қамар — Қурбонгүл" номлар достонлар, "Амстердам хотиралари" лавҳалари ҳамда Ҳоразмшохлар тарихидан хикоя қилювичи уч романдан иборат — "Жайхун эпилоги".


Адаби 2015 йил Лондонда ўтказилган ЕвроАсиё "Китоб форуми" фестивали, 2023 йилда ўтказилган Махмуд Кошғарий номли ҳалқаро туркӣ тилилар ҳикоянавислар танлови гоғлиби. Адаби ҳозирда Нидерландиянинг Амстердам шаҳрида яшаб ижод қилади.

ЯНГИ НАШР

Мангу йўлдош ва эш туйғулар

"Инсонларнинг бир-бирларини севиб, ҳурмат-эхтиром курсатишларида санъатга тенг келадиган унсур йўқ. Құлнингиздаги ушбу асар ана шу эзгу туйғи, тушунча ва ғояларнинг ҳосиласидир. Мансуб эканимиздан шараф туйғанимиз — буюк миллатимизнинг энг қадимий ва энг инжа санъати бўлмиш шеър санъатининг бир уйдан тутишдек баҳтиёрлик ҳамиша менга ҳамроҳ. Ҳалқимиз инжа руҳининг энг гўзал тазоҳури саналган шеър санъати Туркистоннинг тенгсиз гулистонларida ва сўлим маконларida ўзгача ройиҳа (муаттар ҳид) ва ўзгача лаззат ила қаршилизга чиқди. Ҳа, биз бу фавқулодда гўзаликка ва жозибага бегона қоломласм эдик. Ҳалқимиз азалдан қардос, наслодш, дилдош ўзбекларнинг шеър санъатини янада яқиндан танимоги, ундан баҳраманд бўлмоғи лозим эди..."

Мазкур иктибос ҳассос ва хокисор шо-ризимиз Йўлдош Эшбекнинг яқини Анқара шаҳридан "Eseyem" нашриётида чоп этилган "Мангу масофа" ("Ebedi Mesafe")



номли китобига ёзилган сўзбошидан келтирилди.

Ҳа, ўзбек шеъриятига ошно бўлган кўнгилли бир тадқиқотчи, ўзбек тили ва адабиёти ифодаси дейиш мумкин.

Абдулмурод ТИЛАВОВ,
филология фанлари номзоди

лифи ҳисобланган профессор Эртуғрол Яман бу гузаллик, жозиба, ҳайратдан ўз миллатдошларини ҳам баҳраманд қильмоқ нијатида ушбу эзгу ишга кўл урган. Китобнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — унда шоир Йўлдош Эшбекнинг шеърлари турк ўқувчилари осон бўлган транскрипцияда аслиятда, иккича сахифада эса таржимада берилган. Бу ўқувчига шеърнинг асл матнини солиштириб ўқиши имконини беради. Таржимон ва

ЮРТ ҚАЙГУСИ

"Хар бир миллатнинг дунёда борлагини кўрсатадурган ойинау ҳаёти – тил ва адабиётидур", деб миллий тараққиётгояларини илгари сурган жадид боболаримиз кўттарган айрим масалалар бугунги кунда ҳам долзарблизигини ўйқотмай келаётir. Жумладан, миллий тил ислоҳи борасида куйинчаклик билан айтпиган фикрлар, амала татбиқ этилган ўзгаришилар ўзек тилининг дунё ҳамкамиятида тутган бугунги ўрни янада мустаҳкамланшишига хизмат қилди, дейиш мумкин.

Яқинда "Жадид маърифатпарварларининг ўзбек адабий тили ривожидаги ўрни" мавзусида ташкил этилган

ТАҲРИРИЯТ

レスボルク Республика илмий-амалий анжуманида жадидлар фаолиятида тил масаласига бўлган муносабат ҳақида сўз борди.

Жадид ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилган илмий анжуманда 50 га яқин тилшунос, адабиётшунос ва фольклоршунос олимлар ўзларининг жадидлар фаолиятида адабий тил, имло ва алифбо масалалари тадқиқига бағишиланган илмий мақолалари билан иштирок этди. Қўйида илмий анжуман мундарижасидан ўрин олган мақолалардан бирини эътиборингизга ҳавола этимоқдамиз.



Жадидлик: ТИЛ, ИМЛО ВА АЛИФБО

**Жадид зиёлилари
мамлакат маданий, сиёсий
ҳаётида муҳим ўрин
тутган тил, алифбо-имло
масалалари билан ҳам
жиддий шуғулланган. Ёзув
ислоҳоти ва ўзгариши,
буларга доир ўтказилган
тадбирлар, анжуман ва
курултойларда фаол
иштирок этишган.**

Фитрат раҳбарлигига иш олиб борган "Чигатой гурунги" маданий-маърифий, адабий-бадиий ташкилот санаалган. 1919 йилнинг бошида Миллий ишлар комисарлиги томонидан расман тасдиқланган. Ташкилот маданий меросимизни тўплаш, ўрганиш ва улардан ҳалқни баҳраманд этиши, ўзек адабий тили, миллий ёзув ва адабиётимизни яратиш ва юксалтириш масалалари билан шуғулланган. Жамият аъзоларидан Қаюм Рамазон, Элбек, Шоқиржон Раҳимий, Шорасул Зунунун, Олтой ва Боту имло масалалари билан маҳсус шуғулланувчи "Чигатой гурунги"нинг "имло тўдаси"да иш олиб борган. Улар ўзлари ислоҳот этган имлони газета орқали тарғиб қилишган. Иккя ойлий ўқитувчилар тайёрлаш курси очиб, янги имлони ўргатишган. "Чигатой гурунги" аъзоларининг ўқитувчилар учун имло кўлланмаси бўлган "Битим ўйлари" номли битикчиаси Маъриф комисарлиги руҳсати билан 1919 йилда чоп этилади. Кўпчилик ёш зиёлилар, ўқитувчилар "Чигатой гурунги" имлосини ёқлаб, уларга ўзгариши.

Маъриф комисарлиги кўллаган "Чигатой гурунги" аъзолари ташаббуси билан Тошкентда 1921 йилнинг бошида Тил ва имло курултойи бўлиб ўтди. Курултойда эски алифбо-имло савод чиқариша, мактаб-маориф ривожига, маданий тараққиётга тўсқинлик қилаётгани сабабли расмий ислоҳ этилиб, "Чигатой гурунги"нинг имло асослари қабул қилинади. Курултойда имло масаласида зиёлилар ўтрасида фикрий ажralish бўлади. Бу борада зиддият янги имло масаласи ўртага чиқсан 1919 йилдан пайдо бўлган эди.

Гурунчилар адабий тил ва ёзув масаласида асосан ўзек миллати манфаати нутқаи назаридан иш кўрди. Тўғрироғи, улар янги ўзек миллий адабиётни ва адабий тили, илм-маданийнин яратишни мақсад қилди. Янги адабиётни ва адабий тили чигатой адабиётининг чин вориси билди, уни Алишер Навоий давридагидек буруни мавқеига, шон-шавкатига қайtarishni, боща туркий тиллар учун ҳам ўрнак адабиётни, намуна адабий тил ҳолига кўтаришини исташди. Факат буни янги тарихий шароитда, ўзек миллати номи

билан боғлиқ равишида юзага чиқармоқчи бўлдилар. "Чигатой гурунги"нинг мақсади Фитратнинг биринчи Тил курултойидаги ўзбу ёзларida янада яққол кўринади: "Чигатой адабиётни турли шевалилар турк адабиётни орасида энг юқсан, энг муҳим ўрinni тутгондур. Бошқа шевадаги турк адабиётни бунга ушоқликлари, бунинг шоғирдликлари билан мақтани туралар. Чигатой адабиётни турк адабиётни орасида юқсан, юқори, олий бўлғонлигини кабул этмас мутлақа лозимид... Адабиётимизнинг турк адабиётлари орасида энг юқори ўринда турғонидан, тилимизнингда турк тиллари орасида юқори мавзе тутғонини чиқарғон каби бўлдим".

"Чигатой гурунги" аъзолари "бутун турк урӯларининг тили бир турли бўлсин ва ёзишлари ҳам бир қоида остида ёзилсин" каби масалаларни имкониси деб билганидан ёлғиз ўзбекларнинг ўзига тегишли бўлган шевасида ва ўзига тегишли саналган имлосида ўқиб, ёзишлари ҳамда шул имло ва тилини ялпи шул ҳалқнинг ўзига қабул ётдириш" фикри билан иш кўрдилар. Гурунг аъзоларидан Элбек бу ҳақда шундай ёзди: "1921 йилги Тил-имло курултойига "Туркистонда бўлғон турк урӯларининг ёлғиз ўзбекларнинг чиқарғон каби бўлдик ҳам бу курултойни "Ўзбек курултойи" деб атади".

Мунаввар кори, Муса Бегиев, Ашурали Зохирий ва уларга маслақдоши миллатпарварлар Туркистон озодлиги учун кураш кетаётган бир шароитда миллий-маданий жабҳада ёлғиз ўзбек миллати номи билан ўйл тутилса, курашнинг душман фойдасига ҳал бўлиши мумкинлигини тақдидлаши. Шунинг учун ҳам улар Ўта Осиёдаги туркӣ ҳалқлар учун умумий бир тил, ягона ёзув ва адабиёт яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб кўйдилар.

Араб ёзуви маълум даражада мусулмон дунёси, хусусан, мусулмон туркйлар бирлигига ёрдам берар эди. Алифбони ўзгариши уларни ажратиб ташлаш учун кўл келарди. Шунинг учун ҳам руслар туркӣ ҳалқларнинг араб алифбосидан лотин алифбосига ўтишларини жон деб кўллаб-кувватлади ва ҳатто зиёда рабатлантириди.

Араб алифбосидан лотин алифбосига ўтиш гояси дастлаб XIX асрнинг иккичи ярмидаёт озарбайжонлик мутафаккир Мирза Фатали Охундов томонидан илгари сурилган. 1922 йилдан бошлаб Озарбайжондан лотин алифбосини жорий этишига доир тадбирлар амала оширила бошланди. Кўп ўтмай бу ташабbus туркӣ тилда сўзлашувчи ҳалқлар ўтрасида кенг ёйиди.

1926 йилнинг 26 февраль – 3 марта кунлари Бокуда Биринчи Бутунниттифок туркология курултойи бўлди. Тадбирда Ўзбекистондан Раҳим Йињомов, Ашурали Зохирий, Шоқиржон Раҳимий, Элбек, Б.Рахмоний, А.Абдужабборов вакил бўлиб борди. Ўзбекистондан яна Садри Исмоил, Фози Олим Юнусов, Холид Сайд Хўжаев, Мажид Усмонов ҳам анжуманда маҳсус таклиф билан иштирок этган. Фитрат бу анжуманга ўрик шарқшунос олим сифатида "алоҳида чакирив билан" таклиф этилди. Аммо негадир у анжуманда иштирок этилди.

Лотинлаштириш ҳақида гап кетганда, бу жараён мамлакат бўйлаб қизғин тус олганини айтиб ўтиш керак. Рус ёзувини лотин алифбосига ўтказишига тайёр гаргарилик потинлаштириш компаниясининг энг авж нуқтаси бўлди... Бирор руслар алифбосини лотин ёзувига ўтказишига ташкилнига ягона шаклда бўлишидан манфаатдор бўлган. Туркӣ ҳалқларнинг кўлига тезроқ ва батамом олиши учун, шуролар итифоқидаги барча ҳалқлар ёзувининг ягона шаклда бўлишидан албатта.

Хулласи, Туркистон жадидлигининг катта авлоди бошлаб берган мактаб-маориф, матбуот, театрчилик, бадиий ижод ютуклири изма-из этишиб чиқсан ёш ўзбек зиёлилари томонидан муносабат деб этирилди. Замоннинг атоқли жадид маърифатпарварлари мустамлака тузумининг тазииклariга қарамасдан, ўз ҳаётини ўзбек ҳалқнинг миллий истиқтолига, ҳар жиҳатдан тараққий этишига, маънавий камолотига, она тилининг равиқ топлишига бағишилади. Фидой қаҳрамонларимиз хизмати ҳалқимиз хотирасида доимо эъзозланади, албатта.

Араб алифбосидан лотин алифбосига ўтишлари уларни кейинчалик рус графикасида ўтказиш учун бир кўприк вазифасини ўташи лозим эди. Шундай бўлиб чиқди ҳам...

Албатта, ўзбек тили алифбо ва имлоси, адабий тил қоидаларининг ишланишида жадид зиёлилари томонидан тавлими босқичлари учун яратилган турли дарслеклар, ўкув кўйламалари, илмиy-публицистик ва бадиий асарлар бекиёс ўрин тутди. Таникли адабиётшунос Абдураҳмон Саъдий ўзек адабий тилининг майдонга келиши, аввало, жадид зиёлиларининг ўз на тилларида китоблар бостириши ва матбуотни йўлга кўйиши орқали бўлғанлигини кўрсатиб шундай ёзган эди: "Ўғониш даврида нашрда шуни (адабий тилин – Т.Т.) Бехбудий тургубиз, Ҳожи Муннлар, Ашуралилар уни ишлагучи бўлдилар".

Ўзбекистон ҳалқ шоири Эркин Воҳидовнинг "Она тилим" мақолосида мустабид тузум шароитида тилимизни асрбайлаган, унга ривож берган жадидлар хизматини чукур миннатдорлик билан қайд этади: "Ўзбек тилининг буғунги даражаси, туркӣ тиллар ичада тутган мавқеи учун биз кўп жиҳатдан ўтган аср бошида яшаган зиёлиларимиздан миннатдор бўлишишимиз керак. Улар ўзек тилининг сўз ясаш имкониятларидан дадиллик билан фойдаландилар, ҳалқда миллий гурур, она тилига хурмат тўйғусини тарбия кидилар. Ҳали руслаштириш сиёсати авжига чиқмасдан иллари, юзлаб, минглаб русча ва байнамилалча сўзларни ўзбек-чалаштириб улгурдилар. Биргина тилшунослик билан боғлиқ атамалар қанчада! ...Уша замон зиёлиларимизнинг ижодий жасорати боис биз бугун шундай бой мулка эгамиз".

Чиндан ҳам Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби ўзбек адабиётининг ёрқин наимонядалари бадиий тил бобида ўзига хос мактаб яраттган сўз санъат-корларидир. Уларнинг бадиий тил маҳорати жуда кўп ёзувчилар ичада тутган мактаби бўлди. Умуман, бу давр жадид широр ва ўзувчилар ўз шеърий, насрый, драматик, публицистик ва бошқа асарлари билан ўзбек адабий тилининг ривожи ва бойшига жиддий хисса кўшиди.

Тил – миллиятнинг рухи, унинг дунёда борлигининг асосий омният эканини жадид боболар ҳам теран англашган. Шу сабабли маърифатпарвар сиймолар она тилини миллията ўзлигини англатишида, унинг курдатини, шон-шуҳратини кўтаришда, тушкун ва тутқун замонларда эса руҳиятини омон сақлаш, унга қайтадан куч бағишилашда зўр курол деб билгандар. Фаолиятининг илмлаларидан она тилини учун чиқурган жадидлар ҳамиши миллий тил учун кураш майдонида турдилар. Совет давлати шароитида ҳам бу тузум берган имкониятлардан фойдаланиб, ўзбек ҳалқнинг миллий манфаатларини химоя қилди. Улар она тилининг давлат тилини бўлиши учун кураши. Давлат мусассаларида иш юритишини ўзбек тилида олиб бориш масаласини доим илгари сурди.

Тил – миллиятнинг рухи, унинг дунёда борлигининг асосий омният эканини жадид боболар ҳам теран англашган. Шу сабабли маърифатпарвар сиймолар она тилини миллията ўзлигини англатишида, унинг курдатини, шон-шуҳратини кўтаришда, тушкун ва тутқун замонларда эса руҳиятини омон сақлаш, унга қайтадан куч бағишилашда зўр курол деб билгандар. Фаолиятининг илмлаларидан она тилини учун чиқурган жадидлар ҳамиши миллий тил учун кураш майдонида турдилар. Совет давлати шароитида ҳам бу тузум берган имкониятлардан фойдаланиб, ўзбек ҳалқнинг миллий манфаатларини химоя қилди. Улар она тилининг давлат тилини бўлиши учун кураши. Давлат мусассаларида иш юритишини ўзбек тилида олиб бориш масаласини доим илгари сурди.

Хулласи, Туркистон жадидлигининг катта авлоди бошлаб берган мактаб-маориф, матбуот, театрчилик, бадиий ижод ютуклири изма-из этишиб чиқсан ёш ўзбек зиёлилари томонидан муносабат деб этирилди. Замоннинг атоқли жадид маърифатпарварлари мустамлака тузумининг тазииклariга қарамасдан, ўз ҳаётини ўзбек ҳалқнинг миллий истиқтолига, ҳар жиҳатдан тараққий этишига, маънавий камолотига, она тилининг равиқ топлишига бағишилади. Фидой қаҳрамонларимиз хизмати ҳалқимиз хотирасида доимо эъзозланади, албатта.

Хулласи, Туркистон жадидлигининг катта авлоди бошлаб берган мактаб-маориф, матбуот, театрчилик, бадиий ижод ютуклири изма-из этишиб чиқсан ёш ўзбек зиёлилари томонидан муносабат деб этирилди. Замоннинг атоқли жадид маърифатпарварлари мустамлака тузумининг тазииклariга қарамасдан, ўз ҳаётини ўзбек ҳалқнинг миллий истиқтолига, ҳар жиҳатдан тараққий этишига, маънавий камолотига, она тилининг равиқ топлишига бағишилади. Фидой қаҳрамонларимиз хизмати ҳалқимиз хотирасида доимо эъзозланади, албатта.

Хулласи, Туркистон жадидлигининг катта авлоди бошлаб берган мактаб-маориф, матбуот, театрчилик, бадиий ижод ютуклири изма-из этишиб чиқсан ёш ўзбек зиёлилари томонидан муносабат деб этирилди. Замоннинг атоқли жадид маърифатпарварлари мустамлака тузумининг тазииклariга қарамасдан, ўз ҳаётини ўзбек ҳалқнинг миллий истиқтолига, ҳар жиҳатдан тараққий этишига, маънавий камолотига, она тилининг равиқ топлишига бағишилади. Фидой қаҳрамонларимиз хизмати ҳалқимиз хотирасида доимо эъзозланади, албатта.

ХОТИРА АЗИЗ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Қирғизбое Ҳусниддин – 1901 йили Наманганд шаҳрида туғилган. "Жамият Исломия" ва "Наши маориф" ташкилотларида котиблик хизматида бўлган. Ҳибса олинган пайтда аниқ машгулоти бўлмаган. Аҳоли орасида доимий рашида ақслинқилобий т

